

ИНТЕРНЕТ НАШРЛАРИДА ЕТАКЧИ АЁЛЛАР СИЁСИЙ ПОРТРЕТИ ТАЛҚИНИ

Комилова Ёрқиной Нұмонановна

ҮзжОКУ 1-босқыч докторантты

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7440311>

Аннотация. Мазкур илмий мақолада сиёсий тизим бошқарувидан етакчи аёлларнинг ўрни, уларнинг иштироки, аёлларнинг сиёсатчи сифатыда намоён бўлишига аҳамият қаратилган. Етакчи аёлларнинг сиёсий имижининг шакллантириши механизми, уларнинг ўзига хос услуби, сиёсий майдонда аёллар образининг талқини, сиёсий шахс сифатида давлат ва жамият томонидан қабул қилиниши, мамлакат ва дунё ҳамжамиятида эътироф этилиши сингари масалалар назарда тутилган. Шунингдек, етакчи аёллар сиёсий портретининг “ўзбек модели”ни ривожлантиришида ОАВларининг ўрни, ёндашуви, талқини, сиёсий шахс фаолиятини ёритишда муаллифнинг журналистик ва сиёсий билими, тажрибасининг уйғунылиги хусусида ҳам мулоҳазалар юритилган.

Калим сўзлар: сиёсат, сиёсий портрет, етакчи, аёл, гендер, имиж, журналистика, давлат, жамият, модель.

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ПОЛИТИЧЕСКИХ ПОРТРЕТОВ ЛИДИРУЮЩИХ ЖЕНЩИН В ИНТЕРНЕТ-ПУБЛИКАЦИЯХ

Аннотация. Данная научная статья посвящена роли ведущих женщин в управлении политической системой, их участию и проявлению женщин как политиков. Такие вопросы, как механизм формирования политического имиджа женщин-лидеров, их уникальный стиль, интерпретация образа женщины на политической арене, принятие государством и обществом как политической личности, признание в стране и мире предоставляется сообщество. А также роль средств массовой информации в разработке «узбекской модели» политического портрета женщин-лидеров, их подход, интерпретация, а также сочетание публицистических и политических знаний и опыта автора в освещении деятельности политические лица обсуждались.

Ключевые слова: политика, политический портрет, лидер, женщина, гендер, имидж, журналистика, государство, общество, модель.

INTERPRETATION OF POLITICAL PORTRAITS OF LEADING WOMEN IN INTERNET PUBLICATIONS

Abstract. This scientific article is devoted to the role of leading women in the management of the political system, their participation and the manifestation of women as politicians. Issues such as the mechanism for forming the political image of women leaders, their unique style, the interpretation of the image of a woman in the political arena, acceptance by the state and society as a political person, recognition in the country and the world are provided by the community. As well as the role of the media in the development of the "Uzbek model" of the political portrait of women leaders, their approach, interpretation, as well as the combination of journalistic and political knowledge and the author's experience in covering the activities of political figures were discussed.

Keywords: politics, political portrait, leader, woman, gender, image, journalism, state, society, model.

Давлат ва жамиятнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, тиббий, маънавий, маданий, умуман, ҳар бир тармоқлар кесимида етакчи аёлларнинг тутган ўрни муҳим саналади.

Уларнинг ўзига хос заковати, салоҳияти, билими, тафаккури, турли масалаларга ёним топиш механизми тарих, бугунги кун нуқтайи назаридан ҳам ўз исботини кўрсатиб келаяпти. Хусусан, давлат бошқарувида етакчи аёллар сафининг кенгайиб бориши мамлакат ривожланиш тенденцияларига турли ракурс жиҳатидан ўзгариш тамойилларини ишлаб чиқмоқда. Етакчи аёллар сиёсий майдонда ҳам ўз сўзи ва мулоҳазаси, позициясини амалий ҳатти-ҳаракатлари мисолида ифода этиб келмоқда. Талқин ва таҳлил борасида фикр юритилганда ОАВлари асосий таянч манба эканлигини таъкидлаш ўринли. Бугун ОАВларининг барча тармоқларида, матбуот, радио, телевидение, интернет журналистикасида бу борада маълумотларни мутолаа қилиш мумкин. Аммо, масаланинг муҳим жиҳати шундаки, сиёсий етакчи аёллар сиёсий портрети қай даражада талқин қилинаяпти? Уларнинг фаолияти ҳақида ОАВлари эркин фикр билдира олайптими? Дунё ҳамжамиятида Ўзбекистон сиёсий етакчи аёллари имижи қандай шаклланяпти? Миллий ва хорижий ОАВлари манбаларида ифода усусларининг фарқли унсурлари мавжудми? Илмий мулоҳазалар, таҳлиллар, бевосита муаллифларнинг босма ва интернет нашрларидағи материаллари орқали мавзунинг муҳим аспектлари таҳлил қилинади. Етакчи аёлларнинг бевосита сиёсий бошқарувдаги иштироки, вазифалари, ўрни ҳақида бир қатор манбаларда илмий таҳлиллар келтирилган. Масалан, “Аёлларнинг сиёсий раҳбарияти аёлларнинг сиёсий жараёнда фаол иштирок этиши билан тавсифланади”. Аёл ва эркак, гендер масаласи уларнинг нафақат, жамиятда тутган ўрни билан, балки, ҳокимият бошқаруви билан ўлчанади. Сиёсатда ўз “имзо”сига эга бўлиш учун фаол, ташаббускор, илфор, шу билан биргалиқда, илмий, стратегик дунёқараш, муҳими етакчи шахсга айланиши шарт. Бошқарув қобилияти, салоҳияти, имконияти узвийлашган нуқтада сиёсий ҳокимият кучи бевосита етакчилар қурдатига хизмат қилади. Етакчи аёллар фаолиятига доир яна бир олим ўз мулоҳазаларини келтириб ўтади. “Сиёсатчи аёл образини яратишида биринчи навбатда гендер хусусиятларига эмас, балки аёл номзоднинг сиёсий афзалликларига эътибор қаратиш лозим”. Таракқиётнинг муҳим унсури шаффоффарабат. Ҳокимият бошқарувида аёл ва эркак ёндашуви бир-биридан фарқланиши табиий. И. Тарасованинг мазкур мулоҳазаси яна бир савонни юзага келтиради, яъни аёлларнинг сиёсий ҳокимиятда ўрин олишида афзал жиҳатлар нима? Англашилишича, аёллар асрлар, йиллар давомида дунё давлат бошқарувида, раҳбарлик лавозимларида асосан эркаклар бошқарувига кенг имконият яратилганлиги, бу тенденция ҳуддики, сиёсат фақат эркаклар “иш”и, эркакларга хос ва мос мансаб эканлиги давлат ва жамият “қон томири”га сингиб кетганди. Аёллар номзодининг давлат ва жамият ҳаётига кириб келиши, бевосита иштирок этиши ва фикр билдириши, туб бурилишлар ҳосил қилишга интилиши, сиёсий майдонда аёлларнинг ўз “из”и борлигини кўрсатиб, исботлаб беришга интилиши сиёсий муҳитнинг ўзгариши, рамзий маънода янги “қон” билан таъминланиши билан изоҳлаш мумкин. Бундай ўзгаришлар бир маромда оқиб турган сувни “тўлқин”ланишига сабаб бўлади. Бундай “янгиланиш”лар барча мамлакатлар сиёсий тизимида “олқишиш”лар билан кутиб олинавермайди. Шу боис аёлларнинг сиёсий тизимга кириб келиши, фаолият олиб бориши маълум тўсиқларга учрашини аниқ ҳолат сифатида баҳолаш мумкин. Бу жараёнлар ҳар бир давлат тизимида ўзига хос шаклда юзага келади. Хусусан, “Россиялик аёл сиёсатчи сифатида сиёсий имиджни шакллантириш билан боғлиқ фаолиятда... имиджни яратишнинг гендер хусусиятларини аниқлаш жуда долзарб муаммога айланади”. Дунё ҳаритасига назар ташласак, давлатларнинг ривожланиш босқичлари, ҳокимият

бошқаруви, давлат раҳбарларининг алмашинуvida деярли эркак номзодлар устунлик қилади. Бу билан айнан сиёсат, раҳбарлик фақат эркаклар учун ўринли деган стериотип шаклланиб қолган. Аммо, бугун ҳар бир мамлакат миқёсида аёлларнинг бошқарувдаги иштирокига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистоннинг сиёсий бошқарувдаги ҳам. Бу борада ОАВларида, хусусан, босма ва интернет нашрларидағи мазкур келтирилган илмий мулоҳазалар маълум бир қисми холос. Аммо, ҳар бир олимнинг фикри аниқ муаммоли вазиятларга қаратилганлиги билан аҳамиятли. Хусусан, “Сиёсий лавозимларда аёллар жуда кам бўлса, сиёсий қарорлар аёлларнинг эҳтиёжлари ва афзалликларини етарли даражада акс эттираслиги мумкин”. Муаллифлар Hessami Z., Baskaran T. илмий мулоҳазалари асосида етакчи аёллар мамлакат миқёсида ҳар бир соҳа, йўналишда фаол бўлиши, уларнинг етакчилик, мансаб, ҳокимият, сиёсий ваколатлар доирасида устуворлигини таъминлаш зарурати долзарб эканлигини тушуниш мумкин. Бошқарувда муҳим ривожланиш жараёнларини бошлаб бериши, сиёсий янгиликлар, ўзгариш, бошқарув механизми тузилиши, ишлаш ритми, динамикаси, сиёсий майдон “атмосфера”сининг ҳам ўзгариши бевосита етакчи аёллар, бир “занжир” сингари бирлашиши, сиёсий доираларда қўллаб-кувватлаш, айниқса, аёллар ҳуқуқ ва манфатлари поймол қилинаётган вазиятларда, гендер тенглик асосида вазиятни комплекс баҳолашда ҳокимиятда аёллар сафининг кўпайиши туб бурилиш ҳосил қилишини мулоҳаза қилиш ўринли. **Фатыхова Д., Тарасова И., Токарева О., Hessami Z., Baskaran T.** сингари олимларнинг айнан аёлларнинг сиёсий тизимдаги иштироки, нуфузи, бошқарувга янгилик олиб кира олиши, уларнинг мутахассисликларидан келиб чиқсан ҳолда ёндашуви, уларнинг сиёсий портретини шакллантиришда алоҳида имиж унсурларининг қўлланилиши каби мулоҳазалар юритилмоқда. Шу ўринда мазкур фикрлар асносида Ўзбекистон сиёсий тизимида аёлларнинг ўрни, уларнинг фаолияти, жамиятдаги ўзгаришлар, янгиланишларга таъсири қандай бўлаётганлиги, энг муҳими сиёсатдонларнинг сиёсий портрети ОАВларида ёритилиши, муаллифлар фикр, мулоҳазалари, сиёсий аёл образига жамиятнинг муносабати, ОАВлар бу борадаги тарғиботининг ўзига хосликлари хусусида таҳлил олиб борамиз. Бугунги кунда интернет нашрлари маълумотларни етказишида нафақат тезкорлиги, балки, маълумотларни комплекс тақдим қилишда ҳам аҳамиятли. Бу борада сиёсий шахслар портретига доир қатор мақолаларни мутолаа қилиш мумкин. Масалан, “Карьerasи, қарашлари ва сиёсий нуфузи: Расман сиёсатга қайтган Саида Мирзиёева ҳақида” Kun.uz сайтида мақола эълон қилинди. Муаллиф – журналист Баҳтиёр Тўхтаев, мақолани салавҳаси, матннинг мазмунини аввало, асосий ахборот бериш ва бу орқали сиёсий шахснинг сиёсий мақоми, даражаси тўғрисидаги бошланғич – етакчи фикр билан бошлайди. Яъни, “Саида Мирзиёева Президент администрацияси мулозимиға айланди ва энди ахборот сиёсатини белгилашда, тўғридан тўғри давлат раҳбарининг олдига жиддий маълумотларни олиб киришда муҳим рол ўйнайди”. Муаллиф ёндашуви тескари пирамида услубида бўлиб, ўқувчи учун муҳим ахборотни матннинг илк сатрларидаёқ тақдим этаяпти ва бу орқали аудиторияни қизиқишини, унинг учун муҳим фикр дастлабки босқичларда кераклиги, бугунги ўқувчи ахборотларни саралаш жараённида энг муҳим маълумотларни мутолаа, қабул қилиши борасида тасаввuri ва таҳлили унинг ёндашув позициясини тўғри танланганлигини белгилайди. Сиёсий шахс Саида Мирзиёева давлат раҳбарининг қизи сифатида мунтазам равишда сиёсатчилар ва ОАВларининг эътибор марказида туради,

нафақат, миллий ОАВ тизими, балки, хорижий нашрлар ҳам бу борада қизиқиш билдириши, турли ракурсларда мулоҳаза юритиши табиий. Мақола нұқтайи назаридан сиёсий шахс портретини тасаввур қиласынан бўлсак, унда энг мухим унсурлар, яъни Саида Мирзиёева ҳақида бир қатор маълумотлар – рақамларда акс этган. “Саида Мирзиёева 1984 йил 4 ноябрда Кўқонда туғилган. 2006 йилда халқаро хукуқ бўйича бакалавр даражасини олган. 2008 йилда хуқуқшунослик бўйича, 2010 йилда эса Ломоносов номидаги Москва давлат университетидан иқтисодиёт бўйича магистр даражасини олган”. Ахборотни ўқиётган аудитория ёши, жинси, жамиятдаги ўрни, касби, салоҳиятидан қатъий назар, бу маълумотлар уларнинг сиёсий шахс Саида Мирзиёева ҳақидаги илк тасаввурига алоҳида манба сифатида қабул қилинади. Бу ҳолат миллий ва хорижий статус бўйича таҳлил қилинганда етакчи аёл Саида Мирзиёеванинг илмий салоҳиятини асослаб туради. Бу маълумотлар аслида, ҳар бир фуқаронинг таржимаи ҳолида акс этиши табиий. Аммо, фарқли ўлароқ сиёсий шахсларнинг имижи, уларнинг сиёсий мақомини белгилашда таълим шакллари, босқичлари, даражалари, жамият миқёсида таълим турининг “элит” шакли ва унинг сиёсий шахс ҳурмат ва эътибори учун хизмат қилиши долзарб аҳамиятга эга. Мақоланинг мазмунан уйғунлиги, мантиқан боғланиши, динамикаси, узвий равищда берилган. Хусусан, сиёсий шахснинг илмий салоҳияти, унинг илмий ишлари, турли ташкилотлардаги фаолияти ва бу жараён бевосита ҳокимият тизимиға боғланиши билан асослаб келтирилган. Масалан, “Саида Мирзиёева...илк марта 2019 йилнинг 12 апрель куни...Президент администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директорининг ўринбосари лавозимига тайинланганди”. Бошқарувдаги илк қадам сиёсий шахснинг сиёсий имкониятларини белгилаб беради. Мақолада Саида Мирзиёеванинг лавозими доирасида Ўзбекистоннинг ташқи имижини ривожлантириш, шакллантириш, хорижий миқёсда мамлакатнинг аниқ стратегик ҳолатини кўрсатиб беришга интилиши, бу орқали энг мухим йўналиш ахборот хизматлари фаолиятини тубдан ўзгартириш, ваколатини кенгайтириш, вазифаларини белгилаш, давлат ва жамиятнинг сиёсий мақомини оширишда ахборот хизматлари асосий манба эканлиги борасида бир қатор чиқишлиар қилинди. Энг мухим омил сифатида бунинг амалий ифодаси ташкилотлар тизимиға тадбиқ қилинди. Саида Мирзиёева босқичма-босқич ўзининг сиёсий шахс сифатида портретини ижобий “бўёқ”лар билан шакллантира олди ва бу жараён давом этмоқда. Мақола тузилиши жиҳатидан Kun.uz сайтида вертикал усулда, сайтнинг марказий нұқтасида ифодасини топган, шунингдек, мақола матни айнан видео форматида ҳам сайтга жойланган. Бу аудиториянинг фойдаланиши учун қулай имконият, қолаверса, қизиқишини ҳам оширади, замонавий медиалингвистиканинг комплекс тузилишини ифодалайди. Аммо, мақоланинг ижобий жиҳатлари билан бирга, унинг қисман камчиликлари ҳам мавжуд. Хусусан, муаллиф асосан, рақамлар, сиёсий шахс Саида Мирзиёеванинг нутқларидағи фикрларини келтиради, унинг қарашларини мазкур фикрлар орқали беради. Аммо, журналист сифатида унинг сиёсий мақомини таҳлил қилмайди. Мақолада таҳлилий муносабат, хорижий нашрларда етакчи аёл Саида Мирзиёева хусусида мулоҳазалар қай даражада ёритиляпти, унинг сиёсий портретининг сиёсатчи сифатидаги мустақил чизгилари акс этмайди. “Президентнинг қизи бўлиш – имтиёз эмас, жуда улкан масъулият” – Саида Мирзиёева. Kun.uz нашрида мазкур номли мақола ҳам эълон қилинган. Мақола муаллифи айнан келтирилмаган, Kun.uz нашри Тахририяти томонидан мазкур мақола тузилиши

матн, фото, видео форматида ҳавола қилинганди. Мазкур мақолалар услубий тузилиши, семиотик ёндашуви, моҳиятан изчиллиги ва муҳим маълумотлар тизимлашгани билан долзарб. Бундай мақолаларни яна бир қатор нашрлар орқали ҳам кузатиш мумкин. “Яхши ғоя ҳаммада бўлиши мумкин, лекин ҳамма ҳам уни чиройли тарзда амалга ошира олмайди” – Марк Риз Саида Мирзиёева ҳақида” мақоласи Daryo.uz интернет нашри Тахририяти томонидан аудиториянинг мулоҳаза минбарига тақдим қилинди. Мақоланинг бирламчи жиҳати, Саида Мирзиёева ҳақида ўзбек миллий нашрининг сиёсий шахс фаолиятини талқин қилиши, иккиласми жиҳати, сиёсий шахснинг портрети бевосита хорижий эксперталар қараашлари, фикрлари орқали жамиятга узатиласпти. “Атоқли ўзбек ёзувчиси Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романини таржима қилган америкалик олим Марк Риз Парижнинг Лувр музейида очилган “Ўзбекистон воҳаларининг мўъжизалари. Карвон йўллари чорраҳасида” кўргазмаси ҳақидаги” мулоҳазалари мамлакатимизнинг санъат, маданият, адабиёт йўналишлари борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар хусусида юритилар экан, бунинг узвий боғланиши Саида Мирзиёева шахсияти билан боғланади. Америкалик олим Марк Риз “Саида Мирзиёева ва унинг жамоаси ҳалқни шакллантирадиган, унга ғурур бағишлийдиган ишларни амалга оширди” – дейди ифтихор билан ва мақола сарлавҳасида келтирилган фикрларни эътироф этади. Бундай мулоҳазалар Саида Мирзиёеванинг хорижий мутахассислар нигоҳида сиёсий портретини ҳар жиҳатдан мукаммал ифодаланиши, бу ҳолат мамлакат раҳбари ва давлатнинг умумий ҳолатдаги сиёсий портретига ижобий маънода таъсир қилинишида муҳим рол ўйнайди. Ушбу ОАВларидаги ҳар бир мақола Ўзбекистонда аёллар сиёсий фаолиятига кенг йўл берилаётганлигидан далолат. Хусусан, Qalampir.uz сайти мухбири Умар Муродни қисқа хабари ОАВлари тармоғида энг муҳим ахборотни кенг оммага ҳавола қилди. “Танзила Норбоева Олий Мажлис Сенати раиси бўлди” сарлавҳали хабар ва унинг қўйида расмий баёнот ҳам келтирилиб, ахборотнинг ишончли манбасига алоҳида тўхталиб ўтилган. Яъни, “Танзила Норбоева Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев фармони билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси этиб тайинланди”. Мазкур қисқа, аммо, муҳим хабар Ўзбекистон сиёсий тизимида, бошқаруvida катта қадам ташлангани, аёллар сиёсий фаолиятига, уларнинг раҳбар сифатида, янгича ишлаш, қараш, позициясини ифодалаш, аёлларнинг кенг доирада сиёсий майдонга чиқишилари, уларнинг гендер тенглик масаласи, қолаверса, ушбу долзарб янгилик дунё ҳаритасида мамлакатимизнинг сиёсий портретига ўзига хос ва мос йўли борлигини ифодалагани билан ҳам аҳамиятли. “Танзила Норбоева Россия дўстлик ордени билан мукофотланди”. Vesti.uz нашрида Танзила Норбоеванинг фаолиятига берилган расмий муносабатни ифода қилган ахборот талқин қилинди. “Федерация кенгаши спикери Валентина Матвиенко...Россия раҳбарининг вакили таъкидлаганидек, орден ҳалқлар ўртасидаги ҳамкорлик ва ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга қўшган улкан хиссаси учун олинган”. Икки давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг, дипломатик муносабатларнинг кейинги йўналишларида бундай эътибор ва эътироф, рағбатлантириш механизми сиёсий алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим омил саналади. Яна бир мақола хусусида. “Американинг “Ҳабар дипломати” Марказий Осиёга нима деди” сарлавҳаси остида журналист Навбаҳор Имамованинг мақоласи эълон қилинди. Унда АҚШ Давлат котибининг глобал жамоатчилик билан алоқалар бўйича ёрдамчиси вазифасини бажарувчи Элизабет Кеннеди Трюдонинг Марказий Осиё хусусида таҳлилий

мулоҳазалари баён қилинган, унинг негизида давлат раҳбарининг қизи Саида Мирзиёева билан бўлиб ўтган сұхбат ва унинг хулосалари борасида фикрлар талқин қилинган. Масалан, “Нафақат хотин-қизлар ҳукуқлари, тадбиркор аёллар, балки оммавий ахборот воситалари эркинлиги борасида ҳам ажойиб ишларни амалга ошираётган фонд раҳбари сифатида [Мирзиёева] билан учрашганимдан жуда мамнун бўлдим” – деди Трюдо. Хорижий мутахассислар томонидан билдирилаётган мулоҳазалар сиёсий шахс хусусида талқин, тарғиботнинг шаффоф белгиси, “кўзгу”си десак, мантиқан асосли. Сабаби, хорижий вакил сиёсий шахснинг бевосита фикр, мулоҳазалари, унинг барча йўналишларда бажарган ва бажараётган ишлари, самарадорлиги, мамлакатда сиёсий шахснинг ўрни, унга жамиятнинг муносабати ва ОАВларидаги чиқишлари, бир қатор талаблар асосида ўрганиб, сўнг сиёсий шахсни ижобий, салбий жиҳатларига баҳо беради. Юқорида келтирилган мулоҳазалар шуни кўрсатадики, аёллар етакчилиги, уларнинг сиёсий портретини шакллантиришда ҳар бир олимнинг илмий асосли фикрлари мавжуд. ОАВлари, муаллифлар ҳам сиёсий шахслар ҳақидаги хабардан тортиб мақолагача, бошқа жанрлардаги талқинида ҳам ўз ёндашувига эга. Хулоса сифатида, аёллар етакчилиги, сиёсий шахс сифатида қуйидаги омилларга туртки беради:

- гендер тенглик масаласи ижросининг таъминланиши;
- сиёсий майдоннинг аёл етакчилар учун кенг доирада очилиши, тўсиқларнинг барҳам топиши;
- етакчи аёлларнинг ҳокимиятнинг барча тармоқларидағи фаолияти;
- бошқарувда аёл сиёсатчининг янгича ишлаш механизми;
- жамиятда аёллар ва болалар қадрининг юксалиши;
- аёл шахс эканлигининг тан олиниши;
- етакчи аёлларнинг сиёсий портретини шакллантириш, ривожлантириш, ўзига хос имиж вазифаларининг, миллий ва хорижий андозалари асосида ишлаб чиқиш.

Юқорида келтирилган мулоҳазалар илмий, назарий, амалий тадбиқи жиҳатидан янада ривожлантирилса, аёллар етакчилиги сиёсий тизим бошқарувида “ўзбек модели”ни шакллантириш, тадбиқ қилишда самарадорлиги билан аҳамиятли.

REFERENCES

1. Фатыхова Д.Р. Имидж женщины – политического лидера: региональных аспект. Известия высших учебных заведений. Поволжский регион. Общественное науки. – 2011. – № 3(19). – С. 10-17.
2. Тарасова И.С.Формирование имиджа женщины-политика (на примере лидеров латиноамериканских стран). – 2008. – Вестник Санкт-Петербургского университета.
3. Токарева О. В. Влияние института государства и “партии власти” на процесс конструирования имидж российских женщин-парламентариев // Социум и власть. – 2018. – № 6 (74). – С. 26-35.
4. Hessami Z., Baskaran T. Women as policymakers do make a difference. – 2020. – <https://cepr.org/voxeu/columns>.
5. Тўхтаев Б. “Карьerasи, қарашлари ва сиёсий нуфузи: Расман сиёсатга қайтган Саида Мирзиёева ҳақида”. – <https://kun.uz/news/2022/11/23/9:20>.
6. “Президентнинг қизи бўлиш – имтиёз эмас, жуда улкан масъулият” – Саида Мирзиёева. <https://kun.uz/news/2020/02/02/22:28>.

7. “Яхши ғоя ҳаммада бўлиши мумкин, лекин ҳамма ҳам уни чиройли тарзда амалга ошира олмайди” – Марк Риз Саида Мирзиёева ҳақида”. – <https://daryo.uz/k/2022/11/28/15:33>.
8. Умар Мурод. Танзила Норбоева Олий Мажлис Сенати раиси бўлди. – <https://qalampir.uz/news/> 2019/6/21/11:18.
9. Российским орденом дружбы награждена Танзила Нарбаева. – <https://vesti.uz/rossijskim-ordenom-druzhby-nagrazhdena-tanzila-narbaeva>. – 2022/10/28/18:44.
10. Imamova I. What America's ‘Message Diplomat’ Told Central Asia. – <https://www.voanews.com>. – 2022/11/02/5:12.